Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 11 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 94 (6791)

Даъват

Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, неъматидир.

Абдулла АВЛОНИЙ.

Ибрат

Бухоро давлат университети педагогика ўқув маркази жисмоний маданият бўлими III босқич талиби Ботир Хужаев яқинда самбо бўйича Японияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 3-ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлиб қайтди.

Муносабат

АВВАЛ ИҚТИСОД, КЕЙИН СИЁСАТ... ЭНГ АВВАЛО, МАЪНАВИЯТ

Ўтган жума куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Конституциямизнинг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Бош қонунимиз тарихда синалган миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этгани, энг ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари умумлаштирилгани, халқимизга хос адолат, ҳақиқат, мардлик ва тантилик, меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик каби хислатлар чуқур ифода топгани яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Дарҳақиқат, Конституциямиз, энг аввало, Мустақил мамлакатимиз манфаатлари, эҳтиёжлари ва орзу умидларини акс эттирганлиги боис тамомила янгичадир. Асосий вазифа — уни чуқур ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этишда, барча фуқароларга Бош қонун қўламидаги эркинлик ва унга қатъий амал қилишни таъминлашда.

Реал ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиланишлар, янгича қарашлар одамларнинг, — хоҳ мансабдор, хоҳ оддий фуқаро бўлсин, — онги-шуурига, қалбига, амалий ишларига қандай таъсир кўрсатяпти? Очиғи, одамларни масаланинг мана шу жиҳатлари, яъни давлат ва инсон манфаатларининг мавжуд ҳаётдаги уйғунлиги, мақсадлар муштараклигининг амалий ифодаси кўпроқ қизиқтиради.

Бугун мана шу ҳақда айтилган сўз Бош қонун моҳиятини теранроқ очиб, қонун ва шахс масъулияти муаммосининг аниқ ечимларини кўрсатиб беради. Тантанали йиғилишда Президентимиз сўзга чиқди.

Очиғи, иқтисодиётимизнинг беш тамойили эълон қилинганида, шахсан мен, маънавиятнинг ҳам бир тамойил сифатида тилга олинишини жуда-жуда истаган эдим. Бунга Президентимизнинг ўша пайтлардаёқ «Бозор иқтисодиёти деб маънавиятни унутиш гуноҳ бўлади», дея айтган сўзлари фикр берган эди.

Шу йил сентябрида юртбошимиз биз журналистларга тўғридан тўғри мурожаат қилдилар: Президентимиз маънавиятимизнинг бош ҳомийси, деб ёзинг! Шу бир жумланинг ўзи тушунчаларга ойдинлик киритди-қўйди. Беш тамойил Ўзбекистон фуқароларига муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган, шу билан бирга ҳар бир фуқаронинг масъулияти, ватанпарварлиги, миллий ғурури, бир сўз билан айтганда, маънавиятга асосланган. Яъни, ҳар бир тамойил моҳиятида шахс маънавияти мужассам, ҳар бир тамойилни боғлаб турувчи кўприк-маънавият! Тамойиллар тамойили—маънавият!

Бу эса тўқчилик ва вақтинчалик етишмовчиликлар, оиладаги тўкинликлар асоси бўлган давлат, корхона ва фуқаро, яъни шахс ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ янги вазифаларни ўртага ташлайди. Тўқчилик доим ҳам маънавият ривожига ижобий таъсир кўрсатавермайди. Етишмовчилик ҳам. Лекин етишмовчиликда тўқчиликка эришиш имконияти бор. Бу Президентимиз нутқи аввалидаёқ таъқидлаганларидек, хорижий ривожланган давлатлардаги каби эркин ҳаёт билан боғлиқ. Маънавият ривожини руҳий, ҳаётий, ижодий эркинликлар белгилайди. Мен бу ўринда ижтимоий ҳаётимизни эркинлаштириш, демократиялашга таалуқли ишлар ҳақида гапириб ўтирмоқчи эмасман. Булар кўз ўнгимизда рўй беряпти.

Менимча, ҳаётдаги ўзгаришлар ва муаммолар ҳақида фикр юритганда, ҳар бир фуқаро ўз қалбига тийракроқ назар солиши керак. Эҳтимол, қалбимизда ҳам ўша муаммоларни кўриб ҳайратга тушамиз. Демоқчиманки, ташқаридаги муаммолардан кўра ичкаридаги, ўз қалбимиздаги муаммолар бизни кўпроқ ташвишлантириши лозим.

Ҳазрат Яссавий, «донишмандлик ўзўзини енгишдир» дея бежиз айтмаган. Айбни ўзидан қидира олиш маънавиятли кишилар қўлидан келади. Бу хислат яхши фазилатларни баҳор майсасидек яшнатади, ёмон одатларни хазон янгилиғ сарғайтади. Шундагина одамлардаги манфаатдорлик туйғуси асл маъно касб этади. Гап шундаки, манфаатдорлик фақат моддий тушунча эмас, маънавий тушунча ҳамдир. Шундай деб англансагина, шахс ва давлат манфаатлари уйғунлиги, моддий тўкинчилик, ижтимоий адолат барқарор бўлади. Шу боис Президентимиз муҳим бир шиорни ўртага ташлади: 1997 йилни инсон манфаатлари йили, деб эълон қилсак, деди.

Фикр ифодасига эътибор беринг. Сўнгги хулосани Президент халқнинг ўзига ташлаяпти. Бунга бир томондан халқ фикрига асосланишдек демократик майл акс этиб турибди, иккинчи томондан, эътиқодли ва меҳнаткаш халқнинг тафаккурида, турмуш тарзида рўй бераётган ижобий ўзгаришларга ишонч қатъий мужассам.

Манфаатдорлик ҳақидаги фикрни давом эттириб айтадиган бўлсак, манфаат ҳар бир фуқарода тамомила янгича қараш — мулкка эгалик, мулкдорлик туйғусини шакллантиради. Мулкка эгалик эса юртга эгалик, уни доимо обод ва озод, тинч ва барқарор кўриш сари қўйилган энг катта қадамдир!

Саъдулла ҲАКИМ.

Нутқни эътибор бериб эшитган ва ўқиган киши бир нарсани аниқ фаҳмлаб олади: Бош қонун онгдаги, кўнгилдаги орзу ҳаваслар-нинг андозаси эмас, балки аниқ мақсадлар йўлида халқ ҳаётида рўй бераётган ислоҳотларнинг бугунги ва истиқболдаги миқёсини тўлалигича қамраб олган инсонпарвар ниятларни кафолатловчи ҳуқуқий, демократик ҳужжат. Кўпинча, эскича қарашлар бизни Бош қонунимиз биринчи галда ўзимиз яшаётган худди шу тарихий даврда муносиб турмуш кечиришимиз учун кафолат эканлигини англаб олишимизга халал беради. Холбуки, «Биз бугун яхши яшашимиз керак. Болаларимиз эса биздан ҳам фаровонроқ ҳаёт кечиришлари шарт».

Бунинг учун эса реал шарт-шароитлар мавжуд. Биринчидан, улкан маданий, маънавий меросга эгамиз. Иккинчидан, эътиқодли, меҳнаткаш халқимиз бор. Учинчидан, тупроғи олтин мамлакат фарзандларимиз. Тўртинчидан, салоҳиятли ёшларимиз вояга етмоқда. Образли қилиб айтганда, мақсад равшан, йўл аниқ, улуғ карвон сафарда. Улғайиш пиллапоялари бирин-кетин забт этилмоқда. Ёдингизда бўлса, 1996 йил юксалиш йили, деб эълон қилинган эди. Бу ўринда, энг аввало, «юксалиш» сўзига қандай маъно берилганлигини аниқлаб олиш лозим. Юксалиш давлатимиз раҳбари назарида осмондаги қуш эмас. У кечаги турмуш билан бугунги турмушимизнинг реал ҳаётдаги қиёсидир. Шу нуқтаи назардан, биргина ўз автомобил заводимизнинг бунёд этилиши юксалиш сари муҳим қадам бўлганлигини жаҳон эътироф этди. Куни кеча Тошкент — Самарқанд йўлида биз минган «Жигули»ни Асаканинг мўъжаз «Тико»си қувиб ўтиб кетди.

Бу шунчаки айтилаётган гап эмас. Чин маънода янгилик эскиликни қувиб ўтаётган замонда яшаяпмиз. Янгилик катта-кичик иншоотлар, йирик қурилишлар, ўрта ва кичиқ саноат корхоналари мисолида эскилик сарқитларини мамлакатимиз тупроғидан суриб чиқмоқда. Лекин мана шу узлуксиз янгиланишлар жараёнида бир муаммо тез-тез кўндаланг бўлмоқда: онгимиздаги эскилик сарқитларидан сусткашлик билан фориғ бўлаётмиз. Мустақиллик манфаатлари ва шахс маънавияти тобора ҳал қилувчи кучга айланмоқда.



Адабиётга ошноликнинг замирида маънавият ётади.

Тошкент шаҳридаги 81-мактаб тил-адабиёт муаллимаси Матлуба Умарова худди шу туйғунинг таъсирида юради. Ва у бу кайфиятни ўз ўқувчилари онгига ҳам сингдиришга интилади. «Шеърият — гўзаллик, наср— ҳаётдаги гўзал имкониятларнинг ифодасидир», дейди у мароқ билан.

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

Обуна—97

ШОШИЛИНГ, САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ!

Дарҳақиқат, 15 декабрь газеталарга 1997 йил учун обуна бўлишингиз мумкин бўлган сўнгги кун. Унгача эса саноқли кунлар қолди. Халқ таълими вазирлигида обуна бўйича тузилган штабга вилоятлардан юборилаётган ахборотларнинг республика Матбуот тарқатиш марказида тўплаган миқдоридан фарқ қилиши сабабларини аниқлаш ва ҳоказо масалалар бўйича штаб бошлиғи, халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов ва педагогик газета ва журналлар бош муҳаррирлари республика Матбуот тарқатиш марказига ташриф буюришди. Марказ бошлиғи Абдусаттор Ортиқов бугунгача бўлган аҳволни тушунтириб берди.

«Маърифат» газетасининг ўтган йилги обунаси оз бўлса-да, уни шу кунгача обуна миқдорига нисбат қиладиган бўлсак, унинг энди 80 фоиз бўлганлигини кўрамиз. Халқ таълими муассасалари, ўқитувчи ва тарбиячилари кўп бўлган Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида ўтган йилга нисбатан 60 фоиз, Хоразм 70, Бухоро вилоятида эса 80 фоиз обуна бўлишган. Қолаверса, қанчадан-қанча халқ таълими муассасалари, барча мактаб, лицей, билим юрти, институт, мактабдан ташқари муассасалар ўзларининг кутубхоналарига эга. Лекин бу кутубхоналарнинг бешдан бири ҳам обуна қилинмаган. Дейлик, Навоий 216 та, Тошкент вилоятида 218 та, Қашқадарёда 258 та ташкилот обуна қилинган. Бошқа вилоятлар ҳам бундан унча кўп фарқ қилмайди.

* * *

Таълим соҳаси муаммоларига ўзини бахшида этган «Халқ таълими», «Тил ва адабиёт таълими», «Бошланғич таълим», «Соғлом авлод учун» журналларининг обунаси ҳам жуда паст даражада. Вақт оз қолди. Журналлар учун обуна бўлиш вақти 20 декабргача. Обуна қабул қилиш масаласида бирор муаммо пайдо бўлса, Тошкентга республика Матбуот тарқатиш марказининг 34-85-88 рақамли телефонига қўнғироқ қилишларини талаб қилинг. Ўз вақтида марказ бошлиғи Абдусаттор Ортиқов нашрларни обуначиларга ўз вақтида етказиб беришга кафолат берди.

Қуйида журналларимиз индексларини ҳавола этамиз.

«Халқ таълими»
— 75380
«Тил ва адабиёт таълими» — 75368 (якка)
— 75371 (ташкилот)
«Бошланғич таълим»
— 75311 (якка)
— 75312 (ташкилот)
«Соғлом авлод учун»
— 75310 (якка)
— 75313 (ташкилот)

Шошилинг, обуна тугашига саноқли кунлар қолди!

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

- **Республика Вазирлар Маҳкамасининг бюджетга тўлов ўтказиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорига мувофиқ тузилган солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Польша Республикаси ўртасида Консуллик конвенциясининг ратификация ёрлиқларини алмашиш маросими бўлиб ўтди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бўлиб ўтган пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг бу галги кенгайтирилган мажлисида минтақаларда касса режаси ва эмиссия даражасининг белгиланган кўрсаткичлари қандай бажарилаётганлиги, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўлаш тўғрисидаги каби яна бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди.**

- **Чеченистонда Президентликка номзодларни рўйхатга олиш якунланди. Январь ойининг учинчи ўн кунлигида бўлиб ўтадиган сайловларда йигирмага яқин номзодлар орасида Зелимхон Яндарбиев ва Аслан Масхадовнинг кўп овоз олиши таъкидланмоқда.**

- **АҚШ тарихида биринчи бор Давлат котиби лавозимини аёл — Мадлен Олбрайт хоним эгаллади. Унинг бу раҳбарлик курсисига ўтирганлиги НАТОнинг Шарқ томон кенгайишини, айниқса, Шарқий Европа, хусусан, ўз ватани Чехиянинг НАТОга аъзо бўлишини тезлаштиради, дейишмоқда мутахассислар.**

- **Бутрос Ғолийнинг номзоди БМТ бош котиби лавозимига иккинчи муддатга сайланмаслигидан ташвишга тушган Камерун Президенти, Африка бирлиги ташкилоти раиси Поль Бийа Африка давлатлари раҳбарларига бу лавозимга янги номзодни мулоҳаза қилиб кўришни таклиф этди.**

- **Афғонистонда толибларнинг вакиллари Тожикистондаги мухолифат раҳбари Саид Абдулло Нурий билан Қандаҳор шаҳрида учрашдилар. Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашиш учун Эронга тегишли самолётда учиб келаётган С. Нурийни толиблар Қандаҳорда тўхтаб ўтишга мажбур этишган.**

Таълим сифати раҳбарга боғлиқ. «Директор минбари» рукни остида берилаётган мақола (2-бет) шу ҳақда.

Халқ таълими бўлимларида

ЮТУҚЛАР ҲАМ, МУАММОЛАР ҲАМ БОР

Боланинг бугуни ва эртаси ҳақида ҳаммамиз ҳам қайғурамиз, юракларимиз орзиққандан-орзиқиб, турфа умидлар, ниятлар туямиз. Баъзида озгина ютуғимизни ўзимиз пайқаб қолгудек бўлсак, дўппимизни осмонга отамиз. Назаримизда, гўё ҳамма фарзандларимиз эртанги кун учун тап-тайёрдек туюлиб кетади. Шу арзимас ютуқлардан сармаст бўлиб, то ўзимизни ўнглаб олгунимизга қадар эса, анчагина вақтимиз бекорга ўтиб кетади.

Аслида, ўзининг ҳар бир дақиқасини атрофлича сарҳисоб этиб, эришилган ютуқдан ҳаволанмасдан уларни янада кўпайтириш кони фойда. Мухбиримизнинг Бувайда тумани халқ таълими бўлими мудираси Оминахон Алиева билан суҳбати айнан шу хусусда бўлди.

— Оминахон опа, мана сиз кўп йиллик тажрибага эга бўлган педагог-раҳбарсиз. Айтинг-чи, муаллимдан, айниқса, бугунги кунда кўпроқ қандай фазилатлар талаб этиляпти ва қолаверса, туман мактабларидаги аҳвол хусусида нима дея оласиз?

— Биласизми, ҳозирги кунимизга астойдил назар солсагина ўз мақсадига эриша олади, ўқувчилар ва ҳамкасблари орасида тобора обрўси ортади.

Энди туманимиз миқёсидаги ишларни гапирсам, ҳар ҳолда бу борада ютуқларимиз йўқ эмас. Мен ҳозир сизга уларни гапириб мақтанмоқчи эмасман. Тамойилга кўра ўз сўзимни ўша ютуқлардан бошлагим келди, холос.

Биз ўқув йили бошидаёқ ладиган бўлсак, педагогларимиз зиммасидаги масъулият катта. Катталиги шундаки бугунги ўқувчи ҳеч қачон сен нимани айтсанг, ўшани тинглаб ўтиравермайди. У бунга қаноат ҳосил қилмайди. Ўқитувчидан кўпроқ янгилик талаб этади, бутунлай янгича услубда билим олишни истайди. Ахир, ўзимиз тез-тез шундай воқеаларнинг гувоҳи бўляпмиз-да! Ўқитувчи эса, бунинг учун тинимсиз изланиши, турли манбалардан тўғри фойдалана билиши, янгилик яратиш йўлида, керак бўлса, белгиланган дастурдан маълум маънода четга чиқиши керак. Ўшандай

(Давоми 2-бетда)

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ИШОНЧИМИЗ ЁШЛАР

Навоий вилоятининг «Камолот» жамғармаси бўлимида «Фахримиз, таянчимиз, ишончимизсиз, ёшлар!» Мавзусида адабий кеча бўлди. Кечада вилоят ҳокимлиги, «Камолот» жамғармаси, «Амир Темур» жамғармаси, туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда 370 га яқин вилоятнинг турли соҳасида меҳнат қилаётган, ўқиётган ёшлар, талабалар иштирок этдилар. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева кечада иштирок этиб, ёшларга билдирилган тилак-истакларини ўз шеърлари орқали изҳор этди. Кечада вилоят бадиий ҳаваскорлик жамоалари «Лайли», «Турон» дасталари иштирок этдилар.

TABARRUK TO'Y

Samarqand shahridagi Chexov nomli teatr binosida taniqli shoir,jurnalist, mohir tarjimon G'ulom Ismoilovning 70 yoshga to'lishi munosabati bilan tantanali yubiley bo'ldi.

Kechada Temir yo'l tuman hokimi Xolmurod Bobomurodov, professor Isroil Mirzayev qatnashdi. Shoirning hayoti va ijodi haqida o'z fikrlarini bildirdilar.

Temir yo'l tuman madaniyat ishlar bo'limi xodimlari G'ulom Ismoilovning she'rlari asosida tayyorlangan konsert dasturini namoyish etdi.

БАҲСЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Избоскан маданияти бўлими «Камолот» ёшлар жамғармаси ва маънавият ва маърифат бўлими ҳамкорлигида Майгир ва Лўғумбек қишлоқларининг маҳаллаларида бугунги бозор иқтисоди, оила ва ёшлар тўғрисида баҳсли кечалар ўтказдилар. Унда туман ҳуқуқшунослари, педагоглар, маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди. Ўзаро баҳслар шуни кўрсатдики, «бефарқлик жамиятни тубанликка етакловчи манба бўлиб, кишилар ҳамиша бир-бирлари билан ҳамфикр бўлиб яшамоғи даркор», деган хулосани берди. Кечанинг олдига қўйилган мақсади ҳам жамиятимизда бўлаётган ўзгаришларни маҳаллалардаги ҳар бир киши тўғри ва реал қабул қила билиши лозим эканлигини кўрсатиш эди.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча Тошкент давлат университети журналистика факультети мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 4 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси демократик ривожланиш кафолати» мавзуида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда университет ўқитувчилари, меҳмонлар ва талабалар иштирок этдилар.

Йиғилишни журналистика факультети декани О. Мадаев кириш сўзи билан очди, ҳамда барча йиғилганларни ушбу байрам муносабати билан муборакбод этди. Факультет ўқитувчилари доцент Н. Абдуазизова ҳамда А. Тожиевлар республика Конституцияси ҳақида маърузалар ўқидилар.

Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларига маърузачилардан жавоб олдилар.

Муаллифлар: С. ЖЎРАЕВА, S. JO'RAYEVA, Ф. ЖУМАЕВА, М. ИСРОИЛОВ.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

КЕНГАШ КАМОЛОТГА ЧОРЛАЙДИ

Куни кеча педагогика институтларининг биринчи проректорлари, шунингдек, индустриал-педагогика техникумлари ва педагогика билим юртлари директорлари биринчи муовинларининг ўқув юртларида маънавият ва маърифат ишларини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Қизиқ, нега биз, ногоҳ, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш ҳақида ўйлаб қолдик? Ахир, мустақил Ватанимизнинг кундан кунга иқтисодий-сиёсий қуввати ошиб, дунё жамоатчилиги олдида нуфузи юксалиб бораётган бўлса, тағин, бизга нима керак? Ҳали кўп нарса керак! Муваффақиятлар нақд, бироқ иқтисодий-сиёсий соҳаларда не-не фидойиликлар эвазига қўлга киритилган бу ютуқларнинг маънавият деган мустаҳкам таянчи бўлмаса, қумдан қаср қургандек бўлиб қоламиз. Бу эса аждоду авлодлар олдида кечирилмас ҳол. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз қай бир йиғинда сўзламасин, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш зарурлигини бот-бот, куюниб эслатиб ўтмоқда. Бу эслатма, энг аввало, таълим-тарбия билан бевосита шуғулланадиган жамоаларга тегишли эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги елкаларидаги улкан масъулиятни чуқур ҳис этиб, ўртага ташланган муаммони бартараф қилиш, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш юзасидан талай амалий чора-тадбирлар белгилаб, уларни бажаришга киришди.

— Илгари, тўғрироғи, эски тузум даврида таълим олдин кетиб, тарбия унинг изидан имиллаб йўлга тушарди, — деди республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев семинар-кенгашда сўзга чиқиб. — Бугун тарбияга нисбатан ундай лоқайдларча муносабат ёш, мустақил юртимизга, эртамиз эгалари бўлган мурғак авлод тақдирига фожиали оқибатлар олиб келади. Биз бундай бефарқликка бефарқ қараб туролмаймиз. Бугун биз таълим ва тарбияни тенг даражада олиб боришимиз, керак ўринларда тарбияни асосий ишимиз, деб билмоғимиз зарур. Бу — эскилик ва янгилик, лоқайдлик ва сергаклик ўртасидаги кураш демакдир.

Халқ таълими вазирлиги маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришни бошқарув бўғинларидан бошлади. Вазирликда алоҳида «Маънавият ва қўшимча таълим» бошқармаси ташкил этилди. Вазирликка тегишли олий ва ўрта махсус билим юртлари ректор ва директорларининг биринчи ўринбосарлари, шунингдек, мактаб директорларининг муовинлари бундан буён «маънавий ишлар бўйича ўринбосарлар», деб юритиладиган бўлди. Ўқитувчилар учун маънавий-маърифий дарслар юзасидан махсус методикалар тайёрлаб бериш мақсадида республика таълим марказида алоҳида бўлим ташкил этилди. Маънавий-маърифий таълим-тарбия беришни ҳар томонлама, психологик, педагогик таҳлил этиш учун Қори Ниёзий номидаги республика Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида алоҳида сектор ташкил этилди. Буларнинг барчаси маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришнинг шакли. Мазмуни эса алоҳида китобча ҳолида чоп этилиб, барча ўқув муассасаларига кўплаб нусхада тарқатилди ва тарқатилмоқда.

Ҳа, бу чора-тадбирларнинг барчаси яхши! Хўш, маънавий-маърифий соҳадаги масъулиятли вазифани уддалаб кетиш учун бугунги педагогларимизнинг ўзлари тайёрми? Умуман, маънавиятни шакллантириш учун улардан нималар талаб қилинади? Аввало, талабчанлик! Энг аввало, ўз-ўзига талабчанлик! «Истиқлол менга нима берди эмас, мен истиқлолга нима беролдим?» деган оқилона савол уни ҳамиша тергаб туриши зарур. Қолганига озгина фидойилик, озгина самимият кифоя...

Республика семинар-кенгашининг давра суҳбатлари, мулоқот ва мунозаралари айнан шулар ҳақида бўлди.

Дарвоқе, кенгаш қатнашчилари, хусусан, педагогика институтлари биринчи проректорлари Низомий номидаги ТДПИда, педагогика билим юртлари директорлари биринчи муовинлари эса Тошкент индустриал-педагогика техникуми ва 1-Тошкент педагогика билим юртида бўлишиб, у ердаги маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш тажрибалари билан танишдилар.

Республика семинар-кенгаши қатнашувчиларда илиқ таассурот қолдирди. Унинг натижаларини эса... вақт кўрсатади, албатта.

Луқмон БЎРИХОН,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири.

РОБОТ — САПЁРЛАР

АҚШнинг Сандия миллий лабораторияси қиймати 33 миллион долларлик лойиҳа доирасида 2001 йил кенг қўлланишга мўлжалланган робот технологияси устида иш олиб бормоқда. Режаларга кўра, пойабзал қутиси катталигида бўлувчи робот-сапёрлар миналаштирилган майдонларни тозалаш, химик қуролларни аниқлаш ҳамда ракета зарбаларининг йўналишини топишда ишлатилади.

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

ЁШ КЎРИНАЙ ДЕСАНГИЗ

Германиядаги Майнц кардиология марказининг директори Г. Бельцнинг беморлар билан кўп йиллар давомида утказган тажрибаларига кўра, саримсоқ пиёз юрак мушакларининг пишиқлигини мустаҳкамлаб, умрни узайтиради. Мунтазам саримсоқ пиёз еб турувчилар биологик жиҳатдан 15 йил ёшроқ, демоқда олим.

ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Еримиз аҳолисининг кўпайиб бориши муаммосини хавфли ҳодиса дейиш мумкинми? Масалан, БМТнинг мутахассиси Жозеф Чаминнинг ахборотига кўра, сўнгги беш йил ичидаёқ дунёда оилани режалаштириш сабабли 29 миллион киши кам туғилди.

РОСТДАНМИ?

XXI асрда инсоннинг жароҳатланган орқа мия суягини ҳам бутунлай даволаб юбориш мумкин бўлади. Иркутск травматология институтида табиий суяк тўқимасидан олинган суюқликнинг регенерация жараёнини — йўқолган аъзоларнинг қайта усиб чиқишини тезлаштириши шикастланган суякларни даволашнинг энг замонавий усулларидан деб тан олинди.

ИНТИҚЛИК

Уяли телефон ахборот узатаётганда ҳосил булувчи юқори частотали электромагнит майдон мияга заралрлими ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида швециялик Ш. Хансон 17 минг кишини текширмоқда. Бундай телефондан дунё бўйича Швецияда энг кўп — 4 миллион киши фойдаланади, энг кўп шикоят ҳам шу ерда.

ЮТУҚЛАР ҲАМ, МУАММОЛАР ҲАМ БОР

(Боши 1-бетда)

барча мактаб директорларига ишни қайтадан кўриб чиқишни, қаерда жиддий камчиликка йўл қўйилган бўлса, зудлик билан тузатиш чоралари кўриш масаласини кўндаланг қўйдик. Айниқса, таълим-тарбияга туман ҳокимлигининг алоҳида эътибор бериши, барибир, кишини қувонтиради-да! Биргина ўтган ўқув йилининг ўзида туман ҳудудида 2 та (22 ва 41-мактаблар учун) янги, замонавий мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Демак, халқ таълими тизимидаги олиб борилаётган ишларни ҳар ҳолда кўнгилдагидек дейиш мумкин экан-да?!

— Йўқ. Бундай десам катта хатога йўл қўйсам керак. Келинг, яхшиси шу ўринда бир нарсани очиқ айтай. Ҳеч кимга сир эмаски, кўпчилик раҳбар ходимларимиз иложи борича ютуқларини кўпроқ намойиш этишга, йўл қўйилаётган камчиликларни яширишга интилишади. Хўш, бундан кимга фойда? Ахир, ойни этак билан ёпиб бўлармиди? Қолаверса, ютуқ билан бир қаторда нуқсонларни тан олиш ҳам инсоннинг алоҳида бир хислати деб ўйлайман. Негаки, иш бор жойда, барибир, камчилик бўлади-ку!

Туманимиз мактабларида талайгина камчиликлар бор. Мана масалан, ўтган ўқув йилидаги фан олимпиадалари натижаларини олиб кўрайлик. Вилоят олимпиадаларига саралаб олинган ўқувчиларимиз орасидан фақат бир нафари республика олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди, холос. Мундоқ ўйлаб қарасам, барибир, ишимизда нуқсонлар анчагина кўпайиб қолган экан. Синфдан ташқари ишлар, битирувчи синфлар билан ишлаш, айниқса, мактабларимизда анча суст кечди. Ўтган йили туманимиздан 72 та махсус билим юртларига 299 нафар ўқувчи кириб, улар ҳам асосан бошланғич таълим, меҳнат, чизмачилик соҳаларини танлаганликларини изоҳлаб ўтирмасам ҳам бўлади.

Кейинги пайтда боғча масаласида ҳам бироз оқсаяпмиз. Чунки ўзингиз биласиз, қишлоқ шароитида боласини боғчага бериб, ойлик тўловларини тўлаш ота-оналаримиз учун, айниқса, шу кунларда қийин кечмоқда. Шунинг учун ҳам «Бойчечак» боғчаси мисолида олиб кўрсак ҳам 10 та гуруҳдан 6 тасини ёпишга мажбур бўлдик.

— Бу муаммонинг маҳаллий ҳокимликлар, йирик ташкилотлар билан ҳамкорликда қандайдир осонроқ ечими излаб кўрилса бўлмасмикан?

— Албатта, бу борада изланишларимиз бор. Демоқчиманки, айнан ёпилиш даражасига келиб қолган боғчалар ўрнида машғулот масканлари очиб, унда болаларни ўқитиш, мактабга тайёрлаш ишлари билан шуғулланилади. Бу эса, ўз-ўзидан бепул бўлади, қолаверса, болажонларимиз сарсон бўлиб қолишмайди. Фикримча, бу тадбир ота-оналаримизга ҳам маъқул келса керак деб ўйлайман.

Спорт соҳасида ҳам кейинги вақтда негадир ишимизда силжиш пасайиб кетгандек туюлади менга. Спорт мактабимизда етарли шарт-шароит мавжудлигига қарамай, беллашувларда ёшларимиз негадир муносиб ўринларни қўлга кирита олмаяптилар. Балки бу мутахассис кадрларимизнинг малакаси бироз камлигидан бўлса керак.

— Туман халқ таълими бўлими миқёсида ҳам бу камчиликларни тезроқ бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилаётгандир?

— Албатта, бу билан биз қўл қовуштириб ўтирибмиз, демоқчи эмасман. Қолаверса, мактабларимизда тажрибали, моҳир педагогларимиз кўп. Улар баҳоли қудрат ўз ўқувчиларини замон талаби даражасида ўқитиш, тарбиялаш масаласига ижодий ёндошмоқдалар. Бу борада биз ҳам қўлимиздан келган ёрдамни бериб турибмиз. Ишларимизни тўғри ташкил этиш, жойларда таълим ва тарбияни узвий боғлаб ола бориш мақсадида янги дастурлар ишлаб чиқмоқдамиз.

Бу йил туманимизда 1 та гимназия мактаби очиш, фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар сонини кўпайтириш масаласи бош мақсадимиз бўлиб турибди. Бундан ташқари, иқтидорли ўқувчилардан алоҳида гуруҳлар ташкил этиш, мактабдан ва синфдан ташқари ишларни янада жонлантириш, ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари ҳамда ҳомий ташкилотлар билан алоқани мустаҳкамлаш, уларнинг кўмагидан ўринли фойдаланиш, ўқувчини турли касбларга йўналтирувчи тўгаракларга кенг жалб этишни кўзда тутяпмиз.

Боланинг келажаги бир томондан муаллимнинг қўлида. У қандай бўлса, ўқувчиси ҳам шундай бўлади. Демоқчи бўлганим, ўқитувчи ўз мақсадига тўла-тўкис эришиши учун, энг аввало болаларни, қолаверса, ўз касбини жуда севиши шарт. Кўпол қилиб айтганда, у тушликка бозорда нимадир сотиб, кейин дарсга киргани билан шогирди аълочи ёки маданиятли бўлиб қолмайди. Бунинг учун у тинмай янгиликка интилиши, ҳар бир боланинг кўнгилга муносиб йўл топа билиши лозим. Ўйлайманки, яқин вақтлар ичида биз туманимизда ана шундай инсонларни, аниқроқ айтганда, муаллимларни яна ҳам кўпроқ кашф этамиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Олимжон ҲАЙИТ суҳбатлашди.



Тараққиётнинг энг юқори чўққисига кўтарилган XX асрни техника ва компьютерларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шуни инобатга олган ҳукуматимиз раҳбарияти ҳар бир ўқув даргоҳида компьютер ва лингафон хоналарини очиб, уларни керакли жиҳозлар билан таъминламоқда. Бундан ташқари билим юртларига кўплаб иқтидорли ёш кадрлар жалб қилинмоқда. Айниқса, бу борада республика техника ижодиёти марказида ташкил этилган компьютер тўгарагида мақтовга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Тўгаракни ташкилотчи ва ташаббускор муаллима Саида Икромхўжаева бошқариб келмоқда. Энг муҳими, Саида опада болаларга меҳр бор. Бу меҳр болаларни унга, уни болаларга боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкдир.

СУРАТДА: ўқитувчи С. Икромхўжаева ўғил-қизларга замонавий компьютер билан тиллашиш сирларини ўргатаяпти.

Равил АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Тажриба-синов майдонларида

ЯНГИЛИК ДЕБОЧАСИ

ЁКИ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАРКАЗИДАГИ ИЛК КУРТАКЛАР

Мамлакатимизда ўтказилаётган мактаб ислоҳоти туфайли таълим-тарбия тизимида ҳам кўзга кўринарли янгиликлар кўпайиб, таълим-тарбия мазмуни тобора бойиб бораётир. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган янги турдаги муассаса Акмал Икромов туманидаги «Бошланғич таълим-тарбия маркази» деб номланади. Мухбиримиз марказ директори Сурайё МАННОНОВАдан бу масканда олиб борилаётган ишлар ҳамда янги ташкил этилган бошланғич синфлар фаолияти ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Бошланғич таълим-тарбия марказимизнинг бош вазифаси бола шахси асосларини шакллантириш, қизиқишига доир бошланғич таълим бериш, одоб-ахлоқ эҳтиёжларини сингдириш, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Марказимизда 4 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар таълим-тарбия олади. Қобилиятли болалар тест танлови ҳамда ота-оналар билан тузилган шартнома асосида қабул қилинади.

Аввал 455-болалар боғчаси бўлган мазкур масканда хўжалик ҳисобида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу ерда болаларга шарқ кураши, каратэ, инглиз тилидан дастлабки сабоқлар берилди. Математика чуқурлаштирилган ҳолда иқтисодий билимга қўшиб олиб борилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Юсупова раҳбарлигида «Сурайё» дастаси ташкил этилди. Ана шулар асосида ўз дастуримиз пайдо бўла бошлади. Бу дастур асосида таълим-тарбия берилганда болалар 6 ёшда бемалол ўқиш ва ёзишни ўргандилар. Биз уларни мактабга кузатишни хоҳламадик ва тажриба тариқасида боғча-мактаб очдик. Асосий ғоямиз бошланғич таълим-тарбия марказини тузиш ва болаларга комплекс таълим-тарбия беришдир.

Бошланғич таълим-тарбия маркази гувоҳномасини олгандан кейин туман халқ таълими бўлимининг қўллаб-қувватлаши натижасида моддий базамиз мустаҳкамланди, капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Компьютер, лингофон, тасвирий санъат, физиотерапия, массаж, тиш даволаш хоналари, кутубхоналар ташкил этилди.

Таълим-тарбия соҳасидаги илк янгиликни қўллаб-қувватлаган Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси марказ учун қўшимча 25 та штат ажратди. Шу билан бирга таълим-тарбия муассасамиз хўжалик ҳисоби асосида фаолият кўрсата бошлади. У туман халқ таълими бўлимининг марказлаштирилган бухгалтерияси тизимидан чиқиб, ўз бухгалтериясига, махсус ҳисоб рақамига эга бўлди. Ҳомийлар, ота-оналар тўловлари бўйича махсус ҳисоб рақамлари мавжуд.

Махсус ҳисоб рақамига тушган маблағ капитал ремонт, моддий базани мустаҳкамлаш, хоналарни жиҳозлаш учун сарфланади. Барча гуруҳларда телевизор, видео бор. 10 та компьютер, инглиз тилида кассеталар, китоблар болажонлар хизматида. Ходимлар бир ярим баравар ойлик маоши ҳамда квартал мукофотлари оладилар. Тарбияланувчилар ва ходимлар махсус қишки ва ёзги кийим билан таъминланган.

— Таълим-тарбия ишлари қандай ташкил этилган?

Илғор тажрибалар асосида иш олиб боришга интиляпмиз. Узлуксиз таълим бўйича 10 га яқин дастуримиз бор. Жумладан, тасвирий санъат, иқтисодий билим, инглиз тили, рус тили, рақс, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини беш ёшдан ўргата бошлаймиз. Марказда 7 нафар репетитор болалар билан шуғулланади. Ҳар бир бола учун алоҳида дарс жадвали мавжуд. Қайси фанни тушунмаса, дарсдан сўнг репетитордан қўшимча сабоқ олади. Тасвирий санъат, рақс, юмшоқ ўйинчоқлар тикиш, бадиий ўқиш, кўғирчоқ театри сингари 10 га яқин тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатаётир.

Боғча ва мактабда йилда икки марта — январь ва май ойларининг охирида тест ўтказилади. Болалар 50 фоиздан кам ўзлаштирган бўлсалар, демак, тарбиячи ёки ўқитувчи бола билан кам шуғулланган ҳисобланади.

Мазкур ўқув йилида биринчи марта 21 ўқувчи 4-синфни битиради. Бугунги кунда бошланғич таълим-тарбия марказида 155 ўқувчи ва 350 тарбияланувчига замон талаблари асосида таълим-тарбия берилмоқда. Иқтисод фанлари номзоди Шамсиддин Бозоров, Ўзбекистон спорт устаси Ф. Йўлдошев, олий тоифали ўқитувчи Озода Умрзоқова, шарқона кураш бўйича спорт устаси, «қора белбоғ» совриндори Убайдулла Лутфуллаев, 1-тоифали ўқитувчи Маъсуда Тўраева сингари олиҳиммат зиёкорлар ва Мавлуда Собирова, Муқаддам Жалолова, 1-тоифали тарбиячи-услубчи Мактуба Ғафурова, Маъмура Абдураҳмонова каби болажон тарбиячиларимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги улушлари катта бўлаяпти, деб айта оламан.

Суҳбат жараёнида Бошланғич таълим-тарбия марказида қандай муаммолар бор, деган саволга Сурайё Жалоловна шундай жавоб берди:

— 4-синфни битирган ўқувчилар бошқа мактаблардаги лицей синфларида иқтисод, компьютер, инглиз тилидан олган билимларини талаб даражасида давом эттиролмайдилар. Бизнинг меҳнатимиз озми-кўпми зое кетади. Шунинг учун ўқувчиларимиз 9-синф ҳажмидаги билимни Бошланғич таълим-тарбия марказида олсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунинг учун марказни кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Ҳа, тиниб-тинчимас, изланувчан жамоа тажриба-синовларнинг янги босқичини ҳам кўзлаб меҳнат қилаётир.

Суҳбатдош
Дилбар ХЎЖАЕВА.

Директор минбари

ТАЪЛИМ СИФАТИ—МЕҲНАТ КЎЗГУСИ



Лицейимизда ёшларни муқаддас юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган, тилимиз, адабиётимиз, тарихимизни чуқур ўрганиб, умуминсоний ва миллий қадриятларни эъзозлайдиган билимли, одобли ва маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Ўқув даргоҳимиз истиқлол тенгдоши. Бинобарин, бу ерда ишлаётган ҳар бир муаллимнинг хаёлидан 5 йил ичида нималарга эришдиму изланишларимдан кўнглим тўладими, деган фикрлар ўтиб, ўз ишини сарҳисоб қилиши табиий.

Энг аввало, бу ерда шу муқаддас юртга муносиб бўлиш ва уни катта қалб билан севиш борасида қилинаётган ишлар кўнглимга таскин беради. Ўтган ўқув йилида «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуидаги Республика иншолар танловида икки ўқувчимиз муваффақият қозониб, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи ва пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Бу йилги Республикада ўтказилаётган «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзуидаги иншолар кўрик-танловида ҳам лицейнинг 11-синф ўқувчиси П. Бобожонованинг иштирок этиши ўқувчиларимизнинг озод Ватанимизга чексиз меҳр-муҳаббати белгисидир.

Сирасини айтганда, қисқа давр ичида 40 нафардан ортиқ ўқувчимиз республика олимпиадаси ва иқтидорли ёшлар слётларида қатнашиб, шулардан 22 нафари ғолиб бўлди. Уларнинг 5 таси муҳтарам Президентимизнинг шахсий совғаларини олиш бахтига муяссар бўлишди. Бу йил ҳам икки ўқувчимиз республика олимпиадасининг ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.

Бугунги кунда илм масканимизда ўнлаб ёшлар ижод билан шуғулланмоқдалар. Собиқ ўқувчимиз Шуҳратжон Мустафонинг «Ёрилтошнинг кулгуси» ва ҳозир 10-синфда ўқиётган шоира қизимиз Зубайдахон Эшчоноваларнинг шеърлар тўплами аллақачонлар назм мухлисларининг муҳаббатини қозонган.

Билим масканимизни ўтган ўқув йилида 39 нафар ўқувчи битирди. Уларнинг 28 нафари турли олий ўқув юртлари, қолганлари эса махсус билим юртларига киришга муваффақ бўлишди.

Эришилаётган муваффақиятлар изланувчан жамоанинг улкан ва самарали меҳнати билан боғлиқ. Ютуқларимизда фидойи муаллимларимиз — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Аҳмаджон Қодиров, илмий бўлим мудири Г. Самандарова, халқ таълими аълочилари Н. Ҳасанов, Т. Расулов, Д. Собирова, Ю. Раҳматуллаева, З. Қобулова ва олий тоифали ўқитувчилардан З. Рўзиматова, Р. Гусманова, З. Қаландароваларнинг катта меҳнатлари мужассам. Уларнинг ҳар бири бир мактаб яратган десам хато бўлмайди. Чунки ҳар бирининг ўз йўли, катта тажрибалари бор. Мен улардан бири — форс тили муаллими Набибулло Ҳасанов тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман. Сергайрат, тиниб-тинчимас, кўзларидан билим нури балқиб турган Набибулло ўқитаётган ўқувчилар 5 йилдирки узлуксиз республика олимпиадаларида фақат биринчи ва иккинчи ўринни олиб, олий ўқув юртининг талабаси бўлиб қайтишади.

Н. Ҳасанов сингари тажрибали, билимли ўқитувчиларимиз ҳар бир ўқувчини мустақил фикрлаш ва ижодий ишга ўргатишмоқда. Улар ўқувчиларни ўз фарзандларидек севиб, самимий муомалада бўлишади, шу билан бирга ўта талабчандирлар. Истеъдодлилар — бу бебаҳо хазина, юртимиз бойлиги, келажаги. Мен лицейдаги иқтидорли ёшларнинг ҳар бирини яхши кўрганимдан бағримга босгим келади.

Ўқитиш икки баравар ўқиш демакдир. Бу ҳикматли сўзлар замирида чуқур маъно борлигини ҳар бир муаллимимиз яхши билади. Улар шу боис ўз устида тинмай ишлаб, ижодий изланишади, янгиликларни ўз дарсларига тадбиқ этишади. Натижада ҳар бир дарс ҳаёт билан боғланган ҳолда қизиқарли, жонли ўтади. Ижодкор муаллимларимиз нафақат билим масканимиздаги фаолиятларида, балки вилоят ва республика анжуманларида ҳам ғолиб, деб топилмоқдалар. Масалан, бу йил Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Республика педагогик ўқишларида Т. Расулов, Д. Собирова, З. Қобулова, Н. Ҳасанов каби ижодкор ўқитувчиларимиз қизиқарли маърузалари билан иштирок этишди.

Ҳозир таълимнинг янги шаклларини излаш ва жорий этиш ҳаёт талабидир. Шу боис биз мазкур ўқув йилидан бошлаб баҳолашнинг балл тизимини жорий этдик. Ундан ўқувга иқтидорини синовдан ўтказишнинг янги усули сифатида фойдаланамиз. Ўқувчилар билимини «5», «4», «3», «2» баҳолар билан белгилаш ҳозирги давр талабларига жавоб беролмай қолди. Чунки бугун ўқитувчи ўтилган дарсни ўқувчига яхшилаб тушунтиради. Ўқувчи уни диққат билан эшитиб олади-да, эртага ўқитувчининг ўзига айнан шуни такрорлаб беради. Лекин ундан ҳар кунги дарсни сўраб боришнинг имкони йўқ. Баҳолашнинг балл усулида эса ҳар чоракда икки марта тест орқали ўқувчининг билими, иқтидори синовдан ўтказилади. Қайси ўқувчининг қандай билимга эга эканлиги аниқ бўлади. Ўқувчи ўтилган мавзуларнинг ҳаммасини билиши керак. Бундан асосий мақсад таълимнинг сифатини яхшилаш ва ўқувчини чуқур билимли бўлишига эришишдир. Бу усулда ўқувчи юқори балл тўплашга ҳаракат қилади. Баҳолашнинг мақбул (оптимал) вариантларини ҳар бир фан ўқитувчисининг ўзи белгилаб олади.

Булардан ташқари, яна бир янгилик сари қадам қўйдик. Билим масканимизда 4 та репетитор синфи очилди. Бу пуллик хизмат турининг моҳияти таълим самарадорлигини янада оширишдан иборат. Ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлашнинг янги тури бўлган бу ўқитиш тизими блок тизими асосида олиб борилади. Репетитор синфларида вилоятнинг турли жойларидан келган ёшлар илм оладилар.

Президентимиз Ислом Каримов «Ота-она вужуд меъмори бўлса, ўқитувчи қалб меъморидир», деган эдилар. Ана шу сўзларнинг маъносини англаб етадиган ижодкор, изланувчан, ўз касбига фидойи ўқитувчиларни мактабларда кўпайтириш ва тарбиялаш бугуннинг асосий вазифаси. Шундай экан, бу масалага ҳар бир мактаб раҳбари ва бошқа масъул кишиларнинг жиддий ёндошишлари ҳам қарз, ҳам фарздир.

Худоёр АБДУЛЛАЕВ,
Урганч шаҳридаги
Огаҳий номли 21-лицей директори,
«Дўстлик» ордени соҳиби.

БАЙРАМ БАҲОНА БЕЛЛАШУВ

Пойтахтимиздаги 41-ўрта мактабда Конституциямизнинг 4 йиллик байрамига бағишланган ўқувчилараро беллашув бўлиб ўтди. Беллашувда мактабнинг 7-«А», «Б», «Г», «Ж» синфлари иштирок этишди. Улар беллашув давомида Конституциямизнинг яратилиш тарихи, унинг моҳияти ҳақида ва бошқа кўплаб саволларга бийрон-бийрон жавоб қайтардилар. Мусобақада 7-«А» синфининг «Табассум» ҳамда 7-«Г» синфининг «Истиқлол ғунчалари» командалари ғолиб деб топилдилар. Беллашув давомида 7-«А» синф ўқувчиларидан Нигора Ҳасанова, Дилноза Шукурова, Барно Солиҳова, Мунира Розиқова, Дилнавоз Абдураҳманова ҳамда 7-«Ж» синфидан Малика Бадалова, Дилдора Қосимовалар ўзларининг чиқишлари, ҳозиржавобликлари ва гўзал рақслари билан йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлдилар. Мусобақа сўнггида ғолибларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Хайрулло ЖУМАЕВ.

МАКТАБ — ОИЛА — МАҲАЛЛА

Бизда азалдан ота-онага ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш қарор топган. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам фарзандлар ифтихор қилишига лойиқ кишилар бўлиши тақозо этилади. Чуқур ўйлаб қаралса, Шарқ фалсафасининг мазмуни ҳам шундан иборат.

Ислом КАРИМОВ.

Оиланинг энг асосий таянчи, аввало, фарзанддир. Боласи бор хонадондан ғам арийди, ташвиш нари кетади. Аммо доимо бизни ўйлатиб кўядиган, умуман ўйлатиши керак ҳам бўлган ягона масала уларнинг тарбияси, келажаги бўлса, ажаб эмас.

Сир эмаски, кўпчилик ота-оналар боласи қайсарроқ ёки сал «чегарадан чиқиб»роқ ўсган бўлса, улғайган сари ота-онасининг орзу-умидларига қарши иш тутиб қўйса, ўйламай-нетмай биринчи навбатда мактабдан кўришади. «Домлаларинг шу йўлга бошлагандир-да!» дея ўпкагина қилишади. Бу аниқ. Аммо, ўзингиз ўйлаб кўринг-а! Бу гаплар сизга ҳам жуда кулгули туюлмаяптими? Ҳа, ҳа. Албатта, шундай бўлиши табиий бир ҳол. Негаки, бола оилада туғилади, асосан, то мактаб ёшига етгунга қадар ота-онасининг бевосита тарбиясида бўлади.

Ота-буваларимиздан қолган ажойиб бир гап бор. Бола туғилиб, 1 кунда отасини, 3 кунда онасини танир экан. Йўқ. Бу билан ота ва онани ўзаро таққосламоқчи эмасман. Гапирмоқчи бўлганим, гўдакнинг зеҳни, фаҳми, умуман сезувчанлик қобилияти шунчалар кучли эканки, нимани илғаса, ўша нарса бир умр қалбига, онгига муҳрланиб қоларкан. Шундай бўлгач, ҳамма айбни, масъулиятни мактабга юклаб қўйишга ҳақлимизми?..

Яна бир нарса. Ҳар бир оилада турли муҳит мавжуд. Қайсидир ота-она спортга ишқибоз, кимдир мусиқага, китобга, яна кимдир мўмайроқ пул топиш илинжида. Бошқа биров очиқдан-очиқ зўравонликдан ё ўғриликдан сафсата қилади. Бола учун, унинг тарбиясида эса, муҳит бош мезон бўлиб хизмат қилади. У ўйда нимани кўрса, қайси йўлдан борса, маҳаллада, мактабда ўша одатини давом эттиради, холос.

Бироқ, шуниси ҳам борки, вояга етиб келаётган фарзанднинг мукаммал тарбиясига ота-она улгуролмай қолиши мумкин. Унга энди кўмак сув билан ҳаводек зарур. Бу тушунчани эса, мактаб ва маҳалланинг серқирра фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Албатта, шу нарсани қувонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, айниқса, маҳалла масаласига ҳукумат томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. «Маҳалла» жамғармаси, шу номдаги ҳафталик газета жорий қилинди. Республика Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти мутахассисларининг саъйи-ҳаракатлари билан ишлаб чиқилган «Маҳалла, мактаб, оила» концепцияси ҳам барча эзгу ишларнинг давоми дейиш мумкин. Концепциянинг кириш қисмида шундай жумлалар учрайди: «Маҳалланинг устунлиги шундаки, кўп йиллар давомида бирга яшаган кишилар ягона дўст оилага уюшганлар. Улар ҳар бир оиладаги бола тарбияси масаласида ота-онанинг мавқеи ва имкониятларини яхши билишади».

Ҳақиқатан ҳам бола тарбиясида маҳалланинг роли алоҳида ўрин тутади. Чунки, оилада қўполроқ, бетамизроқ бўлиб ўсган ҳар қандай бола ҳам, барибир, маҳалла аҳли олдида сал бўлса-да, ҳайиқади, ўзини тутиб тура олади.

Ўқитувчиларни, одатда «отадан ҳам улуғ» дея эътироф этишади. Тўғри-да, устоз боланинг кўлига илк бор қалам тутади, саводини чиқаради, уни имкони борича фақат тўғри йўлга бошлайди.

Бу борада «Маърифат», «Маҳалла», «Оила ва жамият» газеталарининг ўзаро ҳамкорлиги, алоқалари тобора кучайиб боргани маъқул. Нега деганда, уларнинг барчаси ҳам, асосан ягона мақсад йўлига қаратилган. Мазкур газеталарнинг ҳар бир саҳифасида болаларимизнинг ёрқин келажаги билан боғлиқ масалалар ёритилади-ку, ахир!

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарбия бамисоли денгиздир. Шу пайтгача бу денгизни тўлалигича ҳеч ким забт этолмаган. Шундай бўлса-да, ҳар бир инсон орасидаги ҳамжиҳатлик, биродарлик деворлари дарз кетмаса, оғир карвон йўлида ҳар биримиз ҳеч бўлмаганда бир нафардан қобил фарзандни қобиллигича тутиб қола билсак, денгиз тубига етишимиз асло шарт эмас. Чунки, шунинг ўзи меҳнатимизнинг катта бир самараси бўлиб қолаверади. Бизлар фақат, энг аввало, бурчимизга содиқ қолсак бас, ниҳолларимизнинг тотли мевасидан тотиб кўриш бир кун келиб, шубҳасиз, насиб этади, иншооллоҳ!

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

عائله و جمعيت

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Янги уйга кўчиб утган пайтимиз. Барчамиз рўзғорни жойлаштириш билан овора эдик. Бир пайт дераза олдида турган уғлим чақириб қолди:

— Дада, қаранг, болалар ғишт ўғирлашяпти...

Истар-истамас деразага яқин келдим. Қушнимизнинг 8-10 яшарлик икки ўғли ҳақиқатан ҳам қаршимиздаги чала битган қурилиш олдида уюлиб ётган ғиштдан олиб пилдираб уйларига ташишмоқда эди.

— Ғишт уларники эмас-ку, а, дада!

— Йўқ, — дедим ўғлим ҳаяжонидан таъсирланиб, — ғишт давлатники, давлатнинг мулкига тегиш мумкин эмас.

Шу пайт қушнимизнинг таниш «Москвич»и кўринди ва тўғри ғишт уюми тарафга қараб юрди.

— Ана, дадалари келди. Ҳозир шумтакаларининг таъзирини беради, — дедим-да, яна ўз ишим билан машғул бўлдим.

Бироқ фурсат ўтмай ўғлим яна чорлаб қолди.

— Дада, қаранг-қаранг!

Не кўз билан кўрайки, назаримда, болаларини койиши керак бўлган ота машина юкхонасини ғиштга тўлдирмоқда эди.

... Дам олиш кунлари ўтиб душанба келганда тоғдек уюлиб ётган ғиштдан майда-чуйда синиқлари қолганди. Узум узумни кўриб чумак уради, деб бежиз айтишмаган-да! Қушнимизнинг «ташаббуси» тез орада бошқалар томонидан қўллаб-қувватланиб, қурилишдаги ғишт тугул эшик-деразаю темир-терсакка ташиб кетилганди.

Оиламизни қаттиқ ранжитган воқеа ҳам ушанда юз берди. Биз овора бўлиб турганимизда ўғлимиз ҳам уйга турта ғишт келтириб қўйибди.

— Нега олдинг?

— Ҳамма олаяпти-ку!

— Нима қиласан?

— Керак бўлиб қолар, девдим...

Мен ўғлимни таний олмадим. Унинг руҳиятида бир зумдаёқ кескин ўзгариш содир бўлганди. Ҳатто опаларининг буюмларига ҳам рухсатсиз тегмайдиган болам, ўз хатти-ҳаракатларининг тўғрилигига шубҳаланмаган қиёфада кўзларимга дадил боқиб турар эди.

Уша куни туни билан мижжа қоқмадим. Биз бировнинг мулкига ҳиёнат қилиш энг мудҳиш жиноят деган руҳда тарбияланган эдик.

Болалик пайтимиз қушнимизнинг шохлари ҳовлимизга соя ташлаб турадиган каттакон ёнғоғи бу-ларди. Ўзимизда ҳам ёнғоқ сероб бўлишига қарамай, болалик эканми, қушнимизнинг мевасига ишқибозроқ эдик.

Бир куни уч ака-ука одатдагича ҳовлида ёнғоқ ўйнаб тургандик, доламиз раҳматли суроб қолдилар:

— Бу ёнғоқни қаердан олдиларинг?

Охиратлари обод бўлсин бувамиз тўғри сўз, ҳалол ва анча серзарда киши эдилар.

— Қушнимизнинг ёнғоғидан ерга тўкилганларини олдик, — дея жавоб қилдик қўрқа-писа.

Ушанда додамлар «Бировнинг буюмини олишга сенларга ким рухсат берди», дея бизни роса тирқиратиб қувганлар.

Шундан сўнг қушнимизнинг ҳовлимизга тўкилган ёнғоқларини териб қўрадан ўзлари тарафга отадиган бўлувдик.

Ота-оналар ўз йўлига, бизнинг болалигимиз маҳалла-қўй, ўқитувчилар назоратида ўтган, катта ёшдаги киши дакки бериши, қулоқчўзма қилиши табиий ҳол эди.

Энди эса, бир болакай йўлимизни тусиб «Амаки, сигаретдан олинг», деса ҳам ажабланмай қўйдик.

Нима бўлди? Тарбиявий ишлар ва анъаналаримизнинг қайси бир бўғини бўшашиб кетди ёки унутиб юборилди?

Ҳозир баъзилар болалар тарбиясининг бузилишига иқтисодий муаммоларни сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Мен бунга асло қўшилмайман. Зеро, ота-боболаримиз 30-йиллардаги қаҳатчилигу уруш давридаги қийинчилик пайтида ҳам дилу қўл покизалиги, меҳру шафқат ва одамийликни йўқотмаганлар.

Ҳозир нима кўп? Тарбия билан шуғулланувчи муассасаю тарбиячилар кўп. Боғча-ю мактаб, билим юрти-ю дорилфунун, ҳуқуқ-тартибот муассасалари-ю диний идоралар, турли жамоат ташкилотлари, телевидение, радио ва матбуот органлари... Хуллас, ҳаммасини эслаб, санаб ўтиш қийин.

Энди дуппини тиззага қўйиб, бир ўйлаб кўрайлик-чи. Нега шундай бўлаяпти? Нега энди қадимқадимдан аждодларимиз бугунгидек кучли тарбия воситаларига эга бўлмай туриб фарзандларини ажойиб хулқли қилиб тарбиялай олган бугунги фаровон ҳаётда, дориломон замонларда биз бу борада оқсаб қолдик? Бу саволга менинг жавобим шундай: бизнинг маънавиятимиз дарз кетган. Фақатгина оқ ёқа, қора галстукни маданияту маънавият рамзи деб бўлмайди-да, ахир. Энг сўнгги мода буйича кийинганлигига қарамай, виждонини моғор босганлар йўқ дейсизми, орамизда. Ақли донишлар кишининг маънавияти унинг ахлоқи, одамийлиги, меҳру саховатида акс этади, дейдилар. Биз эса болаларга насиҳат қилаверамизу аммо ўзимиз бу насиҳатларга амал қилмаймиз.

Тарбиянинг таъсирчанлиги тарбия воситаларининг хилма-хиллигида эмас, балки шахсий намунададир. Нима эксанг, шуни урасан, дейдилар... Ўзимиз оқу қора, ҳалолу ҳаром, яхши-ёмонни фарқлай олмай туриб фарзандларимиздан руҳий покизаликни кутмайлик.

Бас шундай экан, болаларни тарбиялайдиган одамнинг ўзи тарбияли бўлиши лозим. Акс ҳолда, қуш уясида кўрганини қилаверади. Ота-боболаримиз бир болага етти маҳалла ота-оналик қилади, деб бежиз айтмаганлар. Демакки, биз ўз оиламиз, ўз фарзандларимизгагина эмас, балки ҳар бир боланинг тарбияси учун масъул эканмиз, аввало ўзимизнинг дунёқарашимиз, юриш-туришимиз, хулқ-атворимизни тартибга солиб олайлик. Болалар ҳамма нарсада катталарга тақлид қилишади. Фарзандингиз бетамиз ўсса, уни «оқ ювиб, оқ тараб сендан кўрган оқибатим шуми» дея беҳуда койиманг, айбни ўзингиздан қидиринг. Чунки, болангиз сизнинг ойнадаги аксингиздир.

Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ,
«Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири

Муқаддас масканим - жону жаҳоним!

МАҲАЛЛА

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг нашри 1996 йил 30 ноябрь 28 (29) Сотувда баҳоси эркин нархда

БАҲАМЖИҲАТЛИККА ДАЪВАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида қўйилган вазифаларни тўлароқ амалга ошириш мақсадида 1995 йил ноябрида «Маҳалла» газетаси таъсис этилди.

1996 йил сентябрь ойига қадар бир ойда 2 мартадан чиқарилган «Маҳалла» газетаси кўпминг сонли муштарийлар истагини ҳисобга олиб шу йил сентябрь ойидан эътиборан мунтазам равишда ҳар ҳафтада чиқмоқда.

Газетамиз материалларининг мазмуни Президент Фармонида Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни, маҳалланинг серқирра ҳаётига доир муаммоларни ёритиш, илғор маҳаллалар тажрибаларини оммалаштиришга бағишланмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариши борасида ноёб тизим барпо қилинди. Унинг илдизлари эса, албатта, халқ анъаналарига ва тарихан таркиб топган жамоа муносабатлари — маҳаллага бориб тақалади. Қолаверса, халқ биринчи навбатда барқарорликнинг оила ва маҳалла каби ишончли анъанавий воситалари соҳибидир. Оила ҳамда маҳалла эса, ўз-ўзидан руҳиятимиз мустаҳкамлигининг таянчидир. Бундан ташқари, оила ва маҳалла ҳамкорлиги ҳозирги ўтиш давридаги талай муаммоларни ҳал этишда, азалий яхши одатлар билан фойдали янгиликларни бирга қўшишда баҳоли қудрат ёрдам бераётганлигидан сира кўз юмиб бўлмайди. Гўзал ахлоқ тарғиботчилари Турсуной Содиқова, Холида Аҳророва, олимлардан Қўчқор Хоназаров, Ғуломхон Ғафуров, Маҳкам Маҳмудов, Малик Муродов каби муаллифларимизнинг бу мавзуда қатор-қатор мақолалар ёзиб берганликлари ҳам жуда қувонарли ҳолдир.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда оилаларнинг ҳақиқий моддий аҳволини, ички муаммоларини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишлари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган бошқа тузилма йўқ. Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди. «Маҳалла» ҳафтаномаси ана шу муҳим механизмнинг бамисоли кўзгуси — маҳалла раислари, оқсоқоллари, котибларининг ошкоралик минбаридир.

Газетанинг мундарижасига сентябрь ойидан бошлаб бироз ўзгартиш киритилди. Унинг ички саҳифаларида «Сана» иловаси босилмоқда. «Сана»да машҳур кишилар, табаррук оксоқолларимиз ҳаёти, мамлакат маъмурий ҳудудлари, корхона ва ташкилотларнинг муҳим саналарига оид ахборотлар берилмоқда.

Ҳукумат қарорида таъкидлаб ўтилган вазифаларни амалга ошира бориб, «Маҳалла», «Мактаб ва оила ҳамкорлиги тўғрисида»ги концепциянинг ишлаб чиқилганлигини ҳаммамиз биламиз. Бу соҳадаги ишларни-да ёритаётган газетамиз муаллимларга ҳам қўлланма ролини ўтайди деб ўйлаймиз. Зеро, бугунги оқсоқоллар орасида кечаги муаллимлар анчагина.

Газета туганмас маънавий бойлик — Исломнинг жамиятимиз ҳозирги тараққиёт босқичида халққа нажот бўлгувчи ақидаларини ҳам муҳтарам руҳонийларимизнинг мақолалари орқали ўқувчиларга етказиб беради.

Маҳаллада тўй, тантана, турли маросимлар ўтказиш, маҳалла хизматини сидқидилдан савоб йўлида адо этаётган инсонлар, жумладан ошпаз, новвой, дастурхончи, сартарош, қўйингки, гўрков ва ғассол каби жаннати кишилар ҳам газетамиз қаҳрамонларидир.

— «Биз, — деган эди Президент И. Каримов — халқнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан қайта қад ростлашида қайноқ бир ўчоқ ҳисобланмиш энг олижаноб маънодаги маҳалла, қўни-қўшничилик, ўзаро ёрдамлашув аҳамиятини, айниқса, шу кунларда кўпроқ қадрлай бошладик.

Ўзбекистон аҳолиси ва жамоатчилик томонидан республика «Маҳалла» жамғармасининг яхши ҳамда гўзал халқ байрамларини, анъана ва урф-одатларини, маданиятни қайта тиклаш, энг муҳтож оилаларга амалий ёрдам бериш, ёшларни кўпроқ саховат руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолияти кенг миқёсда қўллаб-қувватланаётгани ҳам жуда қувонарли ҳол.

Хулоса қилиб айтганда эса, 1997 йил учун «Маҳалла» ҳафтаномасига обуна бўлган ватандошларимиз сира ютқазмайдилар, иншооллоҳ!

Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ,
«Маҳалла» газетасининг бош муҳаррири.

Изҳор

ҚАЙТА КЕЛДИМ ДУНЁГА ЁР...

Бундан 3-4 йил олдин не орзулар билан қурган оилам барбод бўлди. Мен оиламнинг бузилишини ҳеч истамагандим. Лекин қанча ҳаракат қилмай, асрамай, Маҳлиё бунинг аксини қилаверди. Охир-оқибат ажралиб кетишга мажбур бўлдик. Ушанда анчагача ўзимга келолмай юрдим...

Ана шунда, аниқроғи, 1994 йил «Оила ва жамият»нинг 4-сонида «Биз учун кечиринг, қуёв» номли мақолам, йўқ, йўқ, тўғрироғи, дардли битикларим босилиб чиқди. Унда менинг бузилган оилам, ушалмаган орзуларим ҳақида сўз борганди...

Яратганга минг шукрки, мендан мактублари орқали бўлса-да, ўз маслаҳатларини дариғ тутмаган ғойибона дўстлар туфайли яхши кунларга етдим. Уйландим. Рафиқам мен излаган қиз бўлиб чиқди. У ўзининг меҳрибонлиги, вафодорлиги, пазандалиги билан кўнглимнинг эркаси, кенг уйимизнинг севикли бекасига айланди...

Мана, орадан деярли уч йил ўтди. Ёмон кунлар ортда қолди. Яқинда ҳаётимизда яна бир қувончли воқеа юз берди. Биз ўғил кўрдик. Хонадонимиз қувонч — нурга тўлди. Унга онажоним яхши ниятлар билан Рустамжон деб исм қўйдилар. Энди мен гўёки еттинчи осмонда юргандек эдим...

Бугун мен севимли газетам «Оила ва жамият»дан жуда-жуда миннатдорман. Чунки, энг асосийси, шу газета орқали кўп дўстлар орттирдим, қолаверса, ҳақиқий бахтимни топдим. Мен ҳар сафар «Оила»нинг янги-янги сонини қўлга оларканман, ўзим учун нимадир топгандай буламан. Мен севимли газетамнинг яхшиликларини ҳеч қачон унута олмайман.

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли.

ОРАСТА БЎЛИНГ

* * *

Сочингиз чиройли ранг олиб, жилоланиши учун, албатта, реклама-даги хориж шампуни билан ювишингиз шарт эмас. Тўрт қошиқ коньякни бир дона тухум билан яхшилаб аралаштириб, сочингизга суртинг ва 20-25 дақиқа сочиқ билан ўраб қўйинг. Сўнг илиқ сувда ювинг.

* * *

Қўл терили ғадир-будур ва дағал бўлса, ҳафтасига бир марта картошка қайнатилган сувда, тузланган карам шарбатида қўлни ванна қилиб, сўнгра ёғли крем суртилади ва уйқуга ётишдан олдин ипдан тўқилган қўлқоп кийилади.

ДИЛАФРЎЗ тайёрлади.

Ҳикоят

ЁҚАЛИК ЛИБОС

Имом Содиқ алайҳиссалом кийим кийишда ҳам орасталикка қаттиқ риоя қилардилар. Кунлардан бир кун саҳобалардан бири уларнинг ёқалик либосларини кўриб ҳайратланиб қолди: Саҳобадаги ўзгаришни сезган Имом Содиқ дедилар:

— Нега бунчалик тикилиб қолдинг?

Саҳоба деди:

— Ҳазратим, ёқалик либосингизга таажжубдаман.

Имом Содиқ (а)нинг ёнларида бир китоб турарди, китобни варақлаб туриб дедилар:

— Бу ерда ёзилганларни ўқи!

Саҳоба китобдаги жумлаларга кўз ташлади. Унда шундай ёзилган эди: «Кимнинг иймони бўлмаса, у ҳаёсиздир. Топилган бойликнинг ҳисоби бўлмаса, у бойлик тез тугайди. Эски кийимни асрамасанг, янгисининг қадри бўлмайди. Киядиган либосинг ёқаликми, ёқасизми локиза бўлсин. Агар ёқалик кийим ёқса, киявер, фақат манманликка берилма. Оллоҳ такаббурларни ёқтирмайди».

Турмуш сабоғи

МАҲАЛЛАДА БЕГОНА ЙЎҚ

(ёхуд қайнонанинг янги келинга ўгитидан)

Ҳали кузатиб ўтириб, бир муомалангиздан жуда хурсанд бўлиб кетдим. Ҳайрон бўлаяпсиз-а? Ана шунақа, қайноналар тескари қараб турсалар ҳам кўраверишади.

Овсинингизнинг ўғли билан қушнининг боласи уйнаб туриб уришиб қолишди-ку! Сиз уларни яхши гап билан яраштириб, икковининг пешонасидан ўпиб қўйдингиз.

Ҳар доим шунақа бўлинг. Бу — менинг қариндошим, манави — қушнининг боласи, бегона деб ажратманг, ҳўпми? Маҳаллаям оиладай гап. Сиз «дом»да катта бўлгансиз. Мана, энди маҳалладаги меҳр-оқибатни секи-ин кўриб бораверасиз. Бу ерда бировнинг иши, бировнинг ташвиши, бировнинг боласи деган гап йўқ. Энди сиз ҳам шу маҳалланинг боласи, кимга сингилу кимга эгачи бўласиз. Шу ерга астойдил меҳр қўйсангиз, Худо насиб этса, фарзандларингиз ҳам маҳалла аҳлига ўз болалари каби азиз бўлади.

Мен сизни ўялтирмоқчи эмасман, опоқ қизим, ҳаётнинг қонуни шу-да! Илойим, ўша кунларга етказсин, омин!

Ёзиб олувчи Муҳтарама УЛУҒОВА.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Яқинда шаҳримизнинг Чилонзор туманидаги 126-мактабда «Оила, мактаб, маҳалла — маънавият, маърифат маскани» мавзуида «Гулистон», «Бўстон», «Бектўнли» маҳалла фаолларининг мактаб билан ҳамкорликдаги йиғини ўтказилди.

Тадбирда ёшларни ватанпарварлик, ҳар бир қарич ерни ҳимоя қилиш, ота-боболаримизнинг қадимий удумларини астойдил ўрганиш, инсоний қадриятларни эъзозлашга ундай билиш ўта зарурлиги хусусида 126-мактаб директори А. Каримов гапириб, бу борада мактаб педагогик жамоасининг амалга ошираётган яхши ишларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбир давомида 204-болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳамда 126-мактаб ўқувчилари ажойиб концерт дастурларини намойиш этиб, ҳаммани хушнуд этишган булса, Чилонзор туман ҳокими муовини О. Аҳмедов, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раиси муовини Н. Усмонова, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси муовини М. Юнусхўжаеваларнинг бевосита иштироки қувончли воқеа бўлди.

Инобат ҚЎЧҚОРОВА,
Чилонзор туман халқ таълими бўлими назоратчиси.

Қадрият

ОМОН БЎЛИНГ, ОТАЖОН!

Бола эдим. Бир куни мактабдан келсам, отам томорқадаги ариқ бўйларига бир текис қирқилган қаламчаларни қадаётган эканлар. Ишларини тугатиб, менга: «Агар буларга ҳар куни сув қуйиб турсанг, ўсиб, катта дарахтлар бўлади», — дедилар. Мен эса, шу оддий чўпларнинг дарахтларга айланишини тезроқ кўргим келар, ҳар куни тонгда туриб, аввало, новдаларга сув ташиб қуярдим.

Йиллар ўтди. Азим теракларнинг ҳар бири қулоч етмас бўлди. Сўнг бу тераклардан уч акамга уч бошпана тикланди. Мен эса... Ҳамон яхшиликка, гулларга ўчман. Ҳар тонг майсалар ҳидини соғиниб уйғонаман.

Энди ўйласам, мен табиатга илк меҳрни отамдан олган эканман...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

«Дўстлик» ордени соҳибаси

МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Президентимиз Ислом Каримов Фармонига кўра «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Бу эҳтиром унга янада катта куч бағишлаши шубҳасиздир.

Ольга Конарёва ҳақида гап кетганда у кишини нафақат 40-мактаб жамоаси, балки туман инглиз тили ўқитувчилари ҳам «У бизнинг фахримиз», дея тилга олишади. Зеро, муаллиманинг ўқитиш услуби ўзига хос. Шу сабаб иш тажрибаси туман миқёсида оммалаштирилган.

«Дарахт бир ерда кўкаради» нақлига амал қилган Ольга Оттовна 1968 йилдан буён маориф соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу йиллар давомида у юзлаб ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ берди. Фанининг мазмунигина эмас, моҳияти, маъносини ҳам ўқувчиларга сингдира олди. Ҳозирда опанинг шогирдлари мактабларда ва турли олий ўқув юртларида инглиз тилидан дарс беришмоқда. У тинимсиз фаолияти давомида ўз устида жуда кўп меҳнат қилди. Бу меҳнатнинг натижаси ўлароқ ўқувчилари туман, вилоят олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллашяпти.

Ольга Оттовна жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб ўқитувчи ва оталар орасида меҳнатсеварлиги, софдиллиги билан ҳурмат қозонган.

Бу йил унинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди.

Шодмон ПИРНАЗАРОВ,
Самарқанд вилояти Жомбой шаҳридаги 40-ўрта мактаб ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Хазонлар — Заминга Куз айтган видео.

ФИТРАТ

«ФАРҲОД-У ШИРИН» ДОСТОНИ ТЎҒРИСИДА

Нишасти хешро дар ҳар ҳавое,
Ба ҳар фасле муҳайё карда жое,
Ба фасли гул ба Мавқон аст жояш.
Ки то сарсабз бошад хоки пояш.
Ба тобистон шавад бар қўҳи Арман,
Хиромад гул ба гул, хирман ба хирман.
Ба ҳангоми хазон ояд ба Абхоз,
Кунад дар жустани нахчир парвоз.
Зимистонаш ба Бардаъ майл чир аст,
Ки Бардаъро ҳавои гармсер аст.

«Тоғларнинг нари томонида, Дарбанд дарёсига яқин бир неча жойлар бор. Анда кўп аскарли бир хотин подшо бор — оти Шамиродир. Шамиронинг форсича таржимаси «Меҳин Бону» (ўзбекча «улуғ хотин») бўладир. Бу хотин подшо йилнинг ҳар фаслида бошқа жойда яшамоқ учун ўрунлар тайёрлаган: баҳорда — Мавқонда, ёзда Арман тоғида, кузда Абхозда, қишда эса Бардада яшайдир, чунки Барданинг ҳавоси иссиғдир (бундан жуда яхши кўриладирки, Низомий Ширинни арман қизи деб билган).

Мана шу Меҳин Бонунинг Ширин исмли бир жияни бор. Шопур шуни Хусравга махтайдир. Хусрав Ширинни қандай бўлса ҳам, Мадоин (Сосоний давлатининг пойтахти)га келтирмоқ учун уни арман ўлкасига юборади. Шопур арман ўлкасига келадир. Ширин ўйнаб турғон бир боғчада Хусравнинг чирайлик бир суратини осиб қўядир, ўзини яширадир. Ширин осилгон суратни олиб кўрадир, қизиқадир. Иккинчи кун боғчада ўйнамоқга борғонларида Шопур яна Хусравнинг бир суратини чизиб ёғочга осадир. Учинчи кун бошқа бир боғчада яна шу ҳол давом қилади. Ширининг қизиқгонлиги чегарани ошадир. Шундан сўнгра бир йўлчи сифати Шопур ўтиб борғонда Ширин уни чақирадир ва шу сўратни кўрсатиб ким эканин сўрайдир. Шопур усталиқ билан масалани англаталадир. Ширинни қочиб Хусрав ёнига боришга ташвиқ қиладир. Натижада Ширин қочишга кўнадир. Ва ҳеч кимга хабар бермасдан армандан Мадоинга қараб жўнайдир. Ярим йўлда бир кўкламликдаги сув бўйига кўнадир ва дам олиб чўмиладир.

Мадоин шаҳрида Хусрав билан отасининг оралари бузиладир. Отаси Хусравни ўлдирмакчи бўладир, Хусрав отасидан қочадир. Арман ўлкасига қараб жўнайдир. Йўлда ҳалиги кўкламликда чўмилиб турғон бир қизни кўрадир. Бироқ ким эканин тушуна олмай, ўтиб кетадир. Ширин дамини олгондан кейин Мадоинга қараб жўнайди. Шундай бўлиб холасидан қочгон Ширин Эрон шоҳига сигиналир. Отасидан қочгон Хусрав эса арман ўлкасида Меҳин Бону ҳимоясига сигинадир. Хусрав арманда Шопурни кўриб Шириннинг Мадоинга борғон хабарини оладир; Шопурни Ширин орқасидан Мадоинга юборадир. Ширин Мадоинда Хусравни топмағоч, ўзига махсус бир қаср (сарой) бино қилиб шунда турғон эди («Қасри ширин» бу кун Эроннинг ғарб томонида Кирмоншоҳнинг ғарбида бир шаҳарчанинг отидир), Шопур бориб Хусравнинг Арманда турғон хабарини берадир. Йўлга чиқадирлар. Булар ҳали Арманга келмасдан бурун Хусрав отасининг ўлим хабарини оладир. «Тож, тахт»дан қолмаслик учун тезлик билан Мадоинга қараб жўнайдир. Ширин Арманга келганда Хусрав чиқиб кетган бўладир. Достонинг бу ерларида уста Низомий ўз ўқувчиларини қизиқтирмоқ учун бор кучи билан тиришадир. Турли усталиклар кўрсаталадир. Хусрав ота тахтида ўтурғондан кейин «Баҳром Чўбин» унга исён қиладир. Урушда Хусрав енгилиб яна Озарбайжон ўлкасига қочадир, ондан Меҳин Бонуга сигинмоқ учун Мавқонга ўтадир:

Ва сад найрангу дастон роҳу бероҳ
Ва Озарбайжон овард бунгоҳ.
В-аз он жо сўи Мавқон кард манзил,
Муғона ишқи он бутхона дар дил.

(«Хисрав-Ширин». Низомий)

Овга чиқгон Ширин билан учрашадир. Ширин билан Хусравнинг ўтиришлари, базмлари узун-узун тасвир қилинадир. Хусрав Ширин билан уйланмакчи бўладир. Ширин қабул қилмайдир. Подшолиғинг ўзингга қайтарилмай туриб мен билан уйланма дейдир. Хусрав аччиғланиб Армандан Рўмга борадир. Шарқий Рўмо импературининг қизи Марям билан уйланадир. Ҳам импературдан аскарий ёрдам олиб Эронга қайтадир. Баҳром Чўбинни енгиб подшолиқни олади. Арман ўлкасида Меҳин Бону ўлган, Ширин унинг жойига ўткан. Ширин Хусравнинг муваффақият хабарини олгоч Мадоинга жўнайдир. Ўзининг қасрига бориб турадир. Хусрав уни «ичкари»га олмоқ учун Марямдан рухсат сўрайди, у рухсат бермайди. Ундан яширин суратда келишга Ширин кўнмайди. Мана шундан кейин воқеага Фарҳод аралашади. Низомий тартибига кўра, Ширин сутни жуда ёқтиради. Жуда кўп ичади. Қўйлари қасрдан йироқда турғони учун сут кетириш қийин бўладир. Ширин қўйлар турғон тоғдан қасригача тошдан бир ариқ чиқармоқ ва сутни шундан оқизиб қасрга кетирмак фикрига тушадир. Шопур Хитойда ўзи билан баравар сафар қилиб, баравар туриб, баравар ўқуғон бир тошчи йигитни келтирадир. Фарҳод Шириннинг амри билан ариқ қазиб битирадир, ўзи Ширинга ошиқ бўлиб қолади. Чўлларда, тоғларда юрадир. Ҳафтада бир йўла қасрга келиб Ширинни кўрадир. Бу янги ишқ воқеасидан Хусравга хабар берадилар. Хусрав Фарҳодни ўз ҳузурига кетирадир. У билан Фарҳод орасида жуда уста ёзилгон бир савол-жавоб бор:

Нахустин бор гуфташ к-аз кужой,
Бигуфт: Аз дори мулки ошной.
Бигуфт: Он жо ба санъат дар чй кўшанд?
Бигуфт: Андуҳ харанду жон фурўшанд.

(Таржимаси: — Қаердан сен? — Ошнолиқ ва муҳаббат ўлкасидан. — Онда нима қиладилар? — Жон сотиб унинг бадалида ғам оладилар), байтлари билан бошланғон бу суҳбатда Фарҳодни сўзда уста қилиб кўрсатмак учун Низомий бор кучи билан тиришадир. Хусрав ўзининг мантиқда енгилганин сезадир. Бошқа бир масала устида Фарҳод билан шартлашадир. Бесутун тоғида менинг қўшуним ўтадурғон бир йўл қазиб берсанг, мен Ширин баҳридан ўтаман, у сеники бўлсин. Қаза олмасанг, Ширин баҳридан кечиб кета берасан дейдир. Фарҳод қабул қилиб Бесутун тоғига борадир. Онда Фарҳоднинг ишга бошлаганини Низомий тубандагича тасвир қиладир:

Зи даъвигоҳи Хусрав бо диле х(в)аш,
Равон шуд Кўҳкан чун кўҳи оташ.
Бар он кўҳи камаркаш рафт чун бод,
Камар дарбасту захми теша букшод.
Нахуст озарми он курсй нигаҳ доштт,
Бар ў тимсолҳои нагз бингоштт.
Пас он таҳ аз синони тешаи тез,
Гузориш кард шакли шоҳу Шабдиз.

Низомийга ва бутун форс адабиётидаги анъанага кўра, гўё Фарҳод томонидан қазилгон бу тоғ Эроннинг ғарбида осор атиқаси, қадим Эрон тарихига оид суратлари билан маълум бўлгон Бесутун тоғидир. Бу эса Фарҳод — «Кўҳкан» афсонасининг Эронда чиқиши Бесутун тоғидаги шул ажойиб суратлар сабабини ўйламоқга боғлидир.

Низомийга кўра, Фарҳод тоғни қазай бошлайдир. Фарҳоднинг муваффақиятини кўра олмагон Хусрав уни йўқотиш фикрига тушадир. Маълум чол хотиннинг ҳиласи билан Фарҳод ўладир. Низомий достонида Фарҳодга берилган ўрун шу. У Низомий асарида биринчи даража қаҳрамонлардан эмас, албатта. Шунинг учун Низомий асари Фарҳод билан бирга битмайдир. Фарҳод ўлгандан кейин ҳам асар Хусрав, Ширин ҳақида давом қилади. Хусрав Шакар исмли исфаҳонли бир қизга яна «гойибона» ошиқ бўладир. Исфаҳонга югурадир. Бориб Шакарни хотинлиқга оладир. Хусрав ўлкасидаги қасрида ҳалигача бахтини кутиб ётгон Шириннинг хизматидан Шопурни чақириб, уни ёлғиз қолдириб хафа қиладир. Энг сўнг Хусрав Шириннинг ҳам хотинлиқга оладир. Сўнгра ўғли Шеруя Хусравни ўлдириб шоҳлиқни оладир. Ширинга уйланмак учун хабар юборадир. Ширин Хусравнинг ўлиги устида ўзини пичоқлаб ўлдирадир. Достон асосан шунда битса ҳам, Низомий бундан ислом динининг фойдасига бир натижа чиқармоқчи бўладир: «Хусрав Муҳаммад пайғамбарнинг хатини йиртиб ташлагони учун унинг шоҳлиғи бузилди», деб яна бир-икки фасл орттиради ва достонни шунинг билан битирадир.

(Давоми бор).

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ нашрга тайёрлади.

(Боши ўтган сонда)

Хуллас...

ОЙМОМА ЧЎМИЛГАН ОЙБУЛОҚ

Америкалик олимлар ойдан олинган маълумотларни ўрганиб, шов-шувли хулосага келишди. Маълумот — расмларнинг дараклашича, Ойнинг жанубий қутбида сув бор экан. Кратерда жойлашган бу сув музлигининг чуқурлиги 13 километр. Айтишларича, бу сувни эритиб, бемалол ичиш мумкин экан. Афсуски, Ойдаги ҳарорат бунга йўл қўймайди. Билгичларнинг таъкидига қараганда, 3,5 миллиард йил олдин Ойнинг комета билан тўқнашуви натижасида, кометадаги сув Ойга ўтиб қолган.

ПАРИШОН-ХОТИРЛИК ҚУРБОНИ — БУЙРАК

Мексикалик 17 яшар Хоакин Элиас Мартинеснинг қорнида қаттиқ оғриқ турди. Уни касалхонага олиб келишди. Рентгендан ўтказишди. Расмлар чиққанда эса, ҳайратдан дўхтирларнинг оғзи очилиб қолди. Чунки беморнинг ўнг буйраги олдида жарроҳлик қайчилари ётарди. Қайчини олиб ташлашди. Шу билан бирга буйракни ҳам олишга тўғри келди. Икки йилдан бери ётган қайчи ўз таъсирини ўткизган экан.

ОДАМЗОТ ҲАМ ЧИДАМЛИ

Хитойнинг Гуанси-Чжуан автоном туманининг фуқароси ўз қишлоғи ёнидаги ғорни тадқиқ этмоқчи бўлди. Бироқ, тадқиқотчи адашиб қолди. Ҳушини йўқотди. Тасодифан уни топиб олишган ҳамқишлоқлари дўхтир чақиришди. Уларнинг аниқлашича, саргузашт шайдоси саккиз кундан бери на сув, на овқат тановул этган экан.

ҲАМ БОЙ, ҲАМ ҚАШШОҚ

Миср курраи заминда ёдгорликларга энг бой мамлакат. Шу боис, бу юрт барча босқинчиларнинг эътиборини тортиб келган. Ва буларнинг натижаси ўлароқ, бу ердаги ноёб ёдгорликлар ер юзи бўйлаб сочилиб кетган. Масалан, малика Нефертити бюсти Олмонияда, малика Хатшепсутники эса Америкада ва ҳоказо... Бугунга келиб, давр ўзгарди. Миср ҳукумати ўз бойликларини қайтариб олиш пайида юрибди.

ана шунақа гаплар

А. Авлоний номидаги ХТХ-МОМИ ректорати, касаба уюшмаси жамоаси шу институт санаторий-профилакторийси бош шифокори Наргиза Хўжаевага укаси Рамзиддин МАҲМУДОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Дўстлик» ордени соҳибаси

ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

Футбол

Мана, бир неча кундан буён Бирлашган Араб Амирликларида Осиё Кубоги мусобақалари давом этмоқда. Бу мусобақа ўйинлари 50 дан ортиқ мамлакатларга «ойнаи жаҳон» орқали тўғридан тўғри олиб кўрсатилмоқда. Ўйинларни кузатган ҳар қандай футбол мухлиси Осиёда ҳам футбол тараққий этаётганлигининг гувоҳи бўлади. Бунга шак-шубҳа йўқ. Қитъанинг энг кучли жамоаларидан Корея, Саудия Арабистони, Япония командаларининг чиройли, бетакрор ўйинлари, майдонда эркин ҳаракат қилишларини кўриб, бунга амин бўласиз. Бу командалар сафига Узбекистоннинг ҳам қўшилишини бесиҳтиёр истаб қоламиз. Энди Узбекистоннинг XI Осиё кубоги мусобақаларидаги илк учрашуви ҳақида тухталамиз.

Ал-айн шаҳрида 6 декабрь куни мамлакатимиз жамоаси 1 миллиард 200 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Хитой терма командаси билан куч синашди. Бу ўйинни, айтиш мумкинки, мухлисларимиз ҳаяжон билан «ойнаи жаҳон» орқали кузатишганлиги сир эмас.

Ўйиннинг биринчи бўлимида футболчиларимизнинг фақат пала-партиш тўп узатишлари, майдонда саросима босиб қолиш ҳоллари анча ўйин қовушмаганлигини кўрсатди. Лекин учрашувнинг иккинчи бўлимида ўйинчиларимизда қандайдир жонланиш юз берди. Футболчиларимиз шундан сўнг хавфли ҳужумлар уюштирди. Шундай ҳужумлардан бири гол билан тугади. Биринчи тўпни моҳир ҳужумчи Игорь Шквирин киритди. Шундан сўнг ўйин анча тенглашди. Учрашувнинг тугашига саноқли дақиқалар қолганда терма жамоамизнинг иқтидорли ёш ҳужумчиси Олег Шацких ўзининг чиройли голини киритди. Шундай қилиб, Узбекистон терма командаси биринчи ўйинда Хитой терма командаси устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Бу ғалаба бугун узбекистонлик мухлисларни хурсанд қилиб юборди. Лекин бу қувонч узоққа чўзилмади...

Мамлакатимиз командаси иккинчи учрашувини Осиё чемпиони бўлган Япония терма командаси билан утказди. Айтиб ўтиш керакки, Япония командаси дунё футбол таснифида 20-ўринда туради. Терма командамизнинг Япония билан бўлган учрашувини бутун Осиё қитъасида интизорлик билан кутишганди. Чунки, Узбекистон ҳам XII Осиё чемпионлигини қўлга киритган жамоа. Шунинг учун улар ўртасидаги ўйин ажойиб кечиши кутилган эди. Лекин минг афсуски, бундай бўлмади. Узбекистон терма командаси жуда суст ўйнади. Ўйиндан унинг мухлислари умуман қониқмаган бўлса керак. Ҳатто ўзлари ҳам ўзларининг ўйинларидан қониқмаган бўлишлари керак. Жамоамиз вакиллари майдонда пала-партиш ҳаракат қилдилар. Тўп узатишларининг ноаниқлиги, майдонда ўзини эркин тута билмаслик, футболчиларимизнинг руҳий жиҳатдан тайёр эмасликлари ўйин тақдирини ҳал қилиб қўйди. Улар мана шу кечирилмас хатолари туфайли йирик ҳисоблда маглубиятга учрадилар (4:0).

Ҳа, нимаям дейиз. Кучли барибир, кучли-да. Лекин севимли жамоамизни кучсиз демоқчи эмасмиз. Фақат уларда битта камчилик — тажриба йўқ. Улар мана шу камчиликни йўқотишлари лозим. Биз ҳали бу маглубиятдан чўчимаслигимиз керак. Ҳали имконият бор. Эндиги учрашув жамоамиз учун ҳал қилувчи ҳисобланади. Улар 12 декабрь куни Сурия терма жамоаси билан куч синашади. Сурия футболчиларини ҳам кучсиз деб бўлмайди. Улар билан ўйин муросасиз кечиши турган гап. Севимли командамизга бу ўйинда фақат ғалаба ёр бўлсин!

Хайрулло ЖУМАЕВ.

ЗАРУРИЯТ

Обуна—97

Мамлакатимизда жадаллик билан олиб борилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларни англаб етишда, уларга ҳамоҳанг қадам қўйишда матбуотнинг хизмати беқиёс. Шу ўринда «Маърифат» газетаси биз — маорифчиларга ҳамиша дастёр бўлиб келмоқда. Айниқса, унда берилиб борилаётган ҳунар-таълимига оид барча янгиликлар, илғор тажрибалар, дарсликлардаги мавзуларни тўлдирадиган манбалар ўқитувчиларимизнинг кундалик иш фаолиятларида асқотмоқда.

Бизнинг ҳунар-техника билим юртимиз жамоаси 51 кишидан иборат. Уларнинг барчаси юқорида айтилганларни инобатга олишиб «Маърифат»га обуна бўлишди. Ўйлаймизки, газета келгуси йили ҳам бизнинг жонимизга оро киради, айниқса, ҳунар-техника таълимига оид долзарб ва қизиқарли чиқишлари билан бизни хушнуд этади.

Биноқул ҲАЙИТОВ,
Оқтош шаҳридаги 8-ХТБЮ директори.

Ҳурматли педагоглар, мураббийлар, тарбиячилар!
«Маърифат»га обуна давом этмоқда.

IN ENGLISH

ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER NOVEMBER 1996 ISSUE 25

Letter from the Editors

Recently at SamSIFL some students studied letter writing and then wrote to publishing firms abroad asking if they would donate books.

The task was to write clear and effective letters. They were to learn common expressions used in letters. Our main resources were books "Business Correspondence" by Lin. Lougheed and "Letter Writing in English" by Anna Maria Malkos.

These books are often available for sale at the USIS Tashkent Regional English Language Office (RELO). They may be reached at Buyuk Turon Street No. 41 in Tashkent or at (3712) 33-70-96, 333-59-74 and 33-35-81.

In English also wrote an article about making pen pals abroad. Look in the February issues for these addresses.

We enjoyed our work and hope to receive letters from the publishers soon! You can also enjoy it, just try!

Good luck writing.

Anne Hauk &
Madina Ibadova

Please send articles and letters to
In English
c/o SamSIFL
Akhunbabayev St. 93
Samarkand 703004

Letters: A Good Reason to Write

Writing is often the most difficult skill for students of English to master. It takes a lot of time to do and often students don't see a purpose or reason to learn it. When will they ever have to write in English in the real world?

These are understandable concerns and ones that teachers should discuss with students. Yes, writing does take time so when making writing assignments be sure to provide plenty of class time for students to work. You can plan to have students work on a writing assignment for the first twenty minutes of class during a week, for example.

You should also try and make the writing situation as *real* as possible. For this reason letter writing is one of the best ways for students to learn and practice how to write. Students may write letters to pen pals or to study programs overseas or even other English students in Uzbekistan. There are many benefits to teaching letter writing:

- The vocabulary and structures in the letter may be taken from the students' own learned material.
- The letters may be short and simple at first and gradually increase in length as students progress.
- The letter writing assignments may vary depending on the type and style of the letter to be written.
- The letters may be corrected a kept in the students' notebooks for actual use as models later on.
-

A well-written letter has three basic parts:

1. A greeting
2. A general message or body
3. A closing and a signature

There are two main types of letters: social letters and business letters. Below is a model for the general format of a letter:

writer's full address
writer's country
month/day/year

greeting (Dear) + addressee's name,

body of the letter

closing (Sincerely),

writer's name

In the body of a letter the student should make sure that the he or she introduces him or herself and makes the main purpose of the letter clear. The conclusion of the letter can be as simple as "thank you."

Letter writing is a useful skill with a real purpose and is a good way for students to learn how to write in English. Once students send out their letters and receive answers from pen pals or schools they too will see the importance and benefits of writing. It may even become their favorite part of class!

Letter Models: Social and Business

55 Gregaren St.
Karshi 123456
Uzbekistan
November 1, 1996

Dear Patty,

My name is Xholida and I am a student at School 19 in Karshi. If you have the time I would like it very much if we could become pen pals. I am interested in learning about America and practicing my English. I can also tell you all about my country, Uzbekistan.

I am 13 years old and have a mother, a father and two sisters. I like to read mystery novels and to listen to music. Who is in your family and what are your hobbies?

Write soon!

Sincerely,

Xholida Rustamova

Dec. 1, 1996

Registrar's Office
State University
Littleton, SD 55555

Dear Registrar,

I am a student of English at the Samarkand State Institute of Foreign Languages in the Republic of Uzbekistan. I would like to apply for entrance to your university. Would you please send me an application form and information on your university.

Thank you.

Yours truly,

Aziza Ibrahimova

Mailing address:
99 Iskandarova Street
Samarkand 789101
Uzbekistan

Қувноқ давра

АФАНДИНИНГ ЎҒЛИ ТОПИБ КЕЛГАН ХАБАР ВА ЭЪЛОНЛАР

Дарсдан «қуён» бўлишни истовчиларга ҳайвонот боғида қатъи шарт билан қуён ниқоби бепул берила бошланди. Шарти оддий: харидор ниқобни тақиб бўри қафаси ичидан бир айланиб чиқиши керак. «Тез ёрдам» машинаси хизматда.

* * *

Шаҳарлик Ишёқмас Қўзғолмасов куни кеча қишлоқдаги холасиникида бўлиб, картошканинг ердан қазиб олинишини илк бор ўз кўзи билан кўрди ва «ерости қазилма бойликларига картошка ҳам кираркан» деган хушхабарни зудлик билан мактабига етказди.

* * *

Сув остига узоқ муддат шўнғиш бўйича мактаб ҳовузида ўтказилган мусобақада Равшантой Ҳайратов биринчиликни олди. Мактаб радиоузелининг хабарига қараганда, бу муваффақиятнинг сири Равшантойнинг сузишни билмаслигида экан.

* * *

«Жайра» ҳажвий деворий газетасига майнасурат чизувчи ўқувчи-рассом керак. Агар у табиатан босиқ ва биринчи разрядли боксчи бўлса, узига яхши.

***

Афандининг ўглидан мактабдошлари сўрашибди:

— Ой яхшими, Қуёш яхшими?

— Албатта, Ой яхши, — дебди Афандининг ўгли. — Ой туни билан Ер юзини ёритиб туради, Қуёш эса тонг отганда — ёруғда чиқади.

* * *

Ўқитувчи Афандининг ўглидан:

— Қани, Шухмирза, сен айт-чи, «Шухмирза бугун географиядан қониқарсиз баҳо олди», бу қандай гап бўлади? — деб сўраган экан. Шухмирза ҳайратдан ёқасини ушлаб жавоб берибди:

— Ё тавба, бу туҳмат гап-ку!

* * *

Афандининг ўгли тарози сўраб, қўшнисиникига чиқибди.

— Амаким уйдамилар? — сурабди у аёлидан.

— Амакингнинг тишлари оғриб, азобини тортяптилар, — дебди аёли.

— Ундай бўлса, — дебди Афандининг ўгли, — тортиб бўлгач, тарозини бизга ҳам бериб турсинлар.

* * *

— Насриддинов, масалани уйда тўғри ишлаб келгансан, «аъло» қўяман, — дебди ўқитувчи Афандининг ўглига. Афандининг ўгли суюнганидан эсанкираб қолиб сурабди:

— Даламга-я?!

Олим МАҲКАМ.

Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейида ўқувчиларнинг атоқли ўзбек олимлари академик Восил Қобулов, профессорлар Қучқор Хоназаров, Эркин Ёқубов ва Омонулла Файзуллаевлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда кибернетика фанининг отаси, академик Восил Қобулов ўқувчиларга компьютерларни тезроқ ўзлаштириш давр талаби эканлиги, тарих ва санъат дарсларида ҳам ундан фойдаланиш лозимлиги ҳақида гапирди. Фалсафа фанлари доктори, профессор Қучқор Хоназаров илм олиш келажагимиз тараққиёти эканлигини таъкидлаб, ўқувчиларни пухта билим олишга чақирди.

САҲНА АСАРИГА АЙЛАНГАН СУҲБАТ

Фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаев ўтмиш алломаларнинг ўзбек фанига қўшган ҳиссалари, академик Восил Қобулов ҳаётидан қизиқарли лавҳалар сўзлаб берди.

Лицей ўқувчилари шу йил «Маърифат» газетасининг 4, 7, 11 сентябрь сонларида эълон қилинган академик Восил Қобулов ва профессор Омонулла Файзуллаевлар орасида бўлиб ўтган баҳс—илмий мунозарасини саҳнада намойиш этдилар. Ҳақиқий кичик илмий анжуманга айланган бу кеча ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Дилафрўз РАҲИМОВА,
шу лицейнинг 11-»А» синф ўқувчиси.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0713.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.